

*Норасмий таржима!*

**«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ  
МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ЮЗ БЕРГАН ҲОЛЛАРДА  
ҲАРАКАТЛАР ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

## **МУНДАРИЖА**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

II. НИЗОМ ТАЪСИРИГА ТУШАДИГАН ШАХСЛАР ДОИРАСИ

III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

IV. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ЮЗ БЕРИШ САБАБЛАРИ (ШАРОИТЛАРИ)

V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

VI. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, “Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) устави, корпоратив бошқарув кодекси асосида ишлаб чиқилган ва жамиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тартибга солиш тартибини белгилайди.
2. Жамият фаолиятини амалга ошириш жараёнида Жамият (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари) манфаатлари билан кредиторлар, контрагентлар ва бошқа мижозлар (кейинги ўринларда – Мижозлар) манфаатлари ўртасидаги зиддият туфайли манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатларда Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ва/ёки ходимлари томонидан қилинган ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, акциядорлар манфаатлари ўртасида, бошқарув ва назорат органлари билан акциядор(лар) ўртасида корпоратив тўқнашув юзага келиш эҳтимоли мавжуд.

3. Ушбу Низомда қуйидаги манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари кўриб чиқилади:
  - мажоритар акциядорлар (катта акция пакетларига эга акциядорлар) билан миноритар акциядорлар (кам миқдорда акцияларга эга акциядорлар) ўртасида;
  - Жамият бошқарув органлари билан акциядор(лар) ўртасида;
  - бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, Жамият ходимлари билан Мижозлар ўртасида;
  - Жамият билан унинг мансабдор шахслари ва ходимлари ўртасида, улар ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида.

## **II. НИЗОМ ТАЪСИРИГА ТУШАДИГАН ШАХСЛАР ДОИРАСИ**

4. Ушбу Низомнинг таъсири Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари ҳамда барча ходимларига, уларнинг лавозими даражасидан қатъи назар, тааллуқлидир.
5. Ушбу Низомдаги талаблар Жамият билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ҳамкорлик қилаётган жисмоний шахсларга ҳам, агар бундай мажбуриятлар шартномаларда, ички ҳужжатларида ёки қонундан келиб чиққан ҳолда белгиланган бўлса, тааллуқли ҳисобланади.

## **III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

6. Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш қуйидаги тамойилларга асосланади:
  - ҳақиқий ва потенциал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш мажбурийлиги;
  - ҳар бир тўқнашув ҳолатини алоҳида тарзда кўриб чиқиш ва Жамият учун мавжуд бўлиши мумкин бўлган репутацион хавфларни баҳолаш орқали тартибга солиш;
  - манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш ва уни тартибга солиш жараёнида махфийликни қатъий сақлаш;
  - Жамият бошқарув ва назорат органлари ҳамда ходимларининг манфаатлари мувозанатини сақлаш;

- ходим томонидан ўз вақтида ошкор қилинган ва Жамият томонидан тартибга солинган (ёки олди олинган) манфаатлар тўқнашуви учун таъкибдан ҳимоя қилиш.

#### **IV. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ЮЗ БЕРИШИНING САБАБЛАРИ (ШАРОИТЛАРИ)**

**7.** Жамиятда мажоритар ва миноритар акциядорлар, бошқарув органлари ва акциядорлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви қуйидаги ҳолатларда юзага келиши мумкин:

- қонунчилик, норматив-ҳужжатлар ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя этилмаган ҳолда;
- миноритар акциядорларнинг Жамият фаолияти ва акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсата олмаслиги;
- ваколатли бошқарув органларининг олдинги розилигисиз йирик битимлар ёки аффилирланган шахслар билан битимлар тузилиши;
- бошқарув органлари томонидан Жамиятнинг молиявий аҳволини ёмонлашишига олиб келадиган қарорларни қабул қилиниши;
- бошқа ташкилотларда эгаллаб турган лавозимлар ёки улардаги акция (улуш)ларга эгалик қилиш тўғрисидаги маълумотларни ошкор этмаслик ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни тақдим этиш.

**8.** Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви қуйидаги сабабларга кўра юзага келиши мумкин:

- қонунчилик, муассис ва ички ҳужжатлар талабларига риоя қилмаслик;
- Жамият акциядорлари манфаатлари устуворлиги принципини бузиш;
- хизмат муносабатларидаги ахлоқий меъёр ва касбий этика тамойилларига амал қилмаслик;
- Жамият ёки Мижозлар томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилмаслиги;
- қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатлари билан белгиланган вазифалар бажарилмаслиги.

**9.** Жамият билан унинг мансабдор шахслари ва ходимлари ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви қуйидаги ҳолатларда юзага келиши мумкин:

- қонунчилик ва ички ҳужжатлар талабларини бузиш;
- хизмат муносабатларидаги ахлоқий меъёр ва касбий этикага риоя қилмаслик;
- ўз шахсий ёки оила аъзолари орқали тижорат фаолиятини юритиш;
- Жамият билан ишбилармонлик муносабатлари мавжуд бўлган бошқа компанияда молиявий манфаатга эга бўлиш;
- бошқа ташкилотда раҳбарлик, мансабдорлик лавозимида ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок этиш;
- шахсий манфаатлар сабабли бошқа ташкилотларга Жамият манфаатларига зид равишда бизнес имкониятларини тақдим этиш.

#### **V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИING ОЛДИНИ ОЛИШ**

**10.** Жамият Устави ва унинг ички ҳужжатларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича умумий механизмлар белгиланган.

Ушбу Низом Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар ва ходимлари бажариши шарт бўлган манфаатлар тўқнашувини олдини олиш чора-тадбирларини белгилайди.

**11.** Ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари мажбурдирлар:

- қонунчилик, норматив ҳужжатлар, Устав ва ички ҳужжатлар талабларига амал қилиш;
- Жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатда даромаддорлигини таъминлаш;
- тўқнашувли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳаракат ва қарорлардан воз кечиш;
- Жамиятни самарали бошқаришни таъминлаш;
- Жамиятни ноқонуний фаолиятга жалб этилишининг олдини олиш, жумладан, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш;
- хизматлар (ишлар) кўрсатишда энг юқори самарадорликни таъминлаш;
- қонунчиликка мувофиқ ҳар чорада бошқарув органларига ҳисобот тақдим этиш;
- Устав ва ички ҳужжатларга мувофиқ ички ва ташқи назоратни амалга ошириш;
- кузатув кенгашига қонунчилик ва Уставда белгиланган миқдордан ортик суммадаги йирик битимлар, алоҳида битимлар ёки ўзаро боғлиқ битимлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;
- йирик битимлар ва аффилирланган (шахслар билан битимлар шартларини назорат органлари томонидан ўрганишни таъминлаш);
- керакли ҳолларда мустақил баҳоловчини жалб этиш орқали мулкнинг бозор қийматини аниқлаш;
- аффилирланган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олишни таъминлаш;
- битимлар амалга оширилиши тартибини ишлаб чиқиш ва унга риоя қилиш:
  - а) аффилирланган шахслар билан;
  - б) Жамият акциядорлари ва уларнинг аффилирланган шахслари билан;
- ваколатли органлар розилигисиз йирик битимлар ёки аффилирланган шахслар билан битимлар тузмаслик;
- бошқа юридик шахслар бошқарув ва назорат органларидаги лавозимларни юқори турувчи органлар розилигисиз эгалламаслик;
- фаолият тўғрисидаги маълумотларни қонунчилик ва Жамиятнинг ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ошкор қилиш;
- бухгалтерия ва бошқа ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш;
- шахсий мақсадларда Жамиятда мавжуд маълумотлардан фойдаланишнинг олдини олиш;
- оммавий ахборот воситаларида Жамият тўғрисидаги салбий ёки нотўғри маълумотларга ўз вақтида муносабат билдириш ва чора кўриш;
- ички назорат тизимидаги камчиликларни аниқлашда иштирок этиш;
- бошқарув ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган мукофот Жамиятнинг молиявий ҳолати ва фаолият натижаларига мос келишини таъминлаш;
- касбий ва корпоратив этика қоидаларига амал қилиш.

**12.** Акциядорлар, бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар ва Жамият ходимлари ўртасидаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида улар мажбурдирлар:

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, норматив ҳужжатлар, Устав ва ички ҳужжатларда белгиланган мажоритар ва миноритар акциядорлар ҳуқуқларига риоя қилиш;
- акциядорларга ошкор этилиши лозим бўлган маълумотларни ўз вақтида етказиш;
- ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўлаш;
- манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган масалалар юзасидан акциядорларга тўлиқ маълумот бериш;
- бошқарув органлари аъзолари рақобатчи жамиятларда акция (улуш) сотиб олган ёки бошқарув органларида иштирок этаётган ҳолларда манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни аниқлаш;
- кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолар номзодини кўрсатишга интилиш.

**13. Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари ҳамда Мижозлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида:**

- Жамият тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этиш;
- махфий ва муҳим маълумотлардан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилиш;
- хизматлар учун ҳақ эвазига Мижоз билан келишилган шартнома ёки очик эълон қилинган тарифларга асосан хизмат кўрсатиш;
- Жамиятнинг обрўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган битимлардан сақланиш;
- хизматларни профессионал ва виждонан кўрсатиш;
- Мижоз томонидан йўл қўйилган хатолардан шахсий манфаат мақсадида фойдаланиш ҳолатларини истисно қилиш;
- Мижозларга берилган тавсиялар мавжуд маълумотларга асосланган бўлиши керак;
- Жамиятда жамғарилган ахборотни бошқарув органлари ёки ваколатли мансабдор шахслар розилигисиз тарқатмаслик.

**14. Жамият ва унинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида, улар хизмат вазифаларини бажараётган пайтда юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида:**

- касбий этика ва хизмат муносабатлари қоидаларига риоя қилиш;
- шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;
- рақобатчи ташкилотда улуш (акция) сотиб олиш нияти тўғрисида юқори турувчи раҳбарни хабардор қилиш;
- тўқнашувли вазиятлар юзага келиш эҳтимолини билдирувчи ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида маълумот бериш;
- ўзи ёки оила аъзолари молиявий манфаатдор бўлган ташкилотлар тўғрисида ёзма равишда раҳбарни хабардор қилиш;
- ушбу ташкилотлар манфаатлари Жамият манфаатларига зид бўлмаслиги учун фаолиятдан воз кечиш ёки рухсат олиш;
- бошқа ташкилотда ишлаш нияти ҳақида ва ушбу фаолият Жамият манфаатларига зид эмаслигини раҳбарга маълум қилиш.

## **VI. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**

15. Жамиятда юзага келган манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш учун бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар ҳамда ходимлар қонунга мос ва асосли, Жамият манфаатларига жавоб берадиган ечимни топиш мақсадида судгача бўлган тартиб-таомилларни амалга оширадилар.

16. Мансабдор шахслар бошқарув ва назорат органлари, юрисконсулт ҳамда Жамиятнинг тузилмавий бўлинмаларига йўлланган акциядорлар ва мижозларнинг муурожаат, ариза ва талабларини (оғзаки муурожаатлар ҳам киритилган) қайд этиш ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашлари шарт.
17. Корпоратив низоларни қайд этиш Жамиятнинг юрисконсулти зиммасига юкланади. Юрисконсулт корпоратив низога дастлабки баҳо беради, масалага оид зарур хужжатларни тайёрлайди ва уларни Жамият кузатуви кенгаши билан келишган ҳолда ушбу корпоратив низони кўриб чиқиш ваколатига эга органга топширади.
18. Юрисконсулт доимий равишда юзага келаётган низоларни таҳлил қилади, низо иштирокчиларига қўшимча маълумот тақдим этиш зарурати тўғрисида қарор қабул қилади ва/ёки низолар сабабини бартараф этиш учун ички тартиб ва кўрсатмаларга ўзгартириш киритиш, бошқа тадбирларни амалга ошириш юзасидан Жамият ваколатли органи раҳбарига таклиф беради.
19. Агар ходим мижоздан ёки бошқа манбадан низоли ҳолат тўғрисида маълумот олса, у дарҳол юқори турувчи мансабдор шахсга бу ҳақда хабар бериши шарт. Агар тузилма бўлинмаси даражасида низони ҳал қилиш имконсиз бўлса, бўлинма раҳбари бир иш куни ичида ижро этувчи орган раҳбари ёки унинг ўринбосарига низо, унинг сабаблари ва кўрилган чоралар тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт. Ижро этувчи орган раҳбари ёки унинг ўринбосари низони тартибга солиш тартибини белгилайди, ваколатли шахс тайинлайди. Зарур ҳолларда манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича комиссия тузилади.
20. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун барча чораларни кўради. Агар бу мумкин бўлмаса, ижро этувчи орган раҳбари масалани бошқарувга кўриб чиқиш учун киритади ва кузатуви кенгаши раисига низо ҳақида маълумот юборилади.
21. Бу маълумот кузатуви кенгаши ҳузурида ташкил этилган низоли ҳолатларни аниқлаш ва ечиш бўйича қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқилади.
22. Агар низо Жамият ижро этувчи органи раҳбари ёки унинг ўринбосарлари манфаатларига тааллуқли бўлса ёки тааллуқли бўлиши мумкин бўлса, бундай ҳолат тўғрисидаги маълумот уч иш куни ичида кузатуви кенгашига етказилади. Масала сўнгра ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилади ва хулоса тайёрланиб кузатуви кенгашига тақдим этилади.
23. Агар низони кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг амалдаги ички хужжатларига ўзгартириш киритиш зарурати юзага келса, кузатуви кенгаши ёки ижро этувчи орган тегишли хужжатни ишлаб чиқиш ёки унга ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.
24. Жамиятда юзага келаётган ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун бошқарув органлари қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:
  - юзага келган манфаатлар тўқнашувини максимал даражада тез аниқлаш, уларнинг сабабларини белгилаш;
  - Жамият бошқарув органлари ваколат ва жавобгарлигини аниқ белгилаш;
  - Жамиятнинг ваколатли шахсини тайинлаш ёки зарурат туғилганда комиссия тузиш;
  - Жамият позициясини зудлик билан белгилаш, тегишли қарор қабул қилиш ва бу ҳақда низо иккинчи томонини хабардор қилиш;
  - низонинг иккинчи томонига Жамият позициясини асословчи тўлиқ ва атрофлича жавоб юбориш. Агар талабни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинса, у қонунчилик, норматив хужжатлар, устав ва акционерлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ички хужжатлар асосида асослантирилиши шарт;
  - низони ҳал қилишда иштирок этган ваколатли шахс бу низо унинг шахсий манфаатларига ёки оила аъзолари манфаатларига тааллуқли эканлигини дарҳол билдириши шарт;

- манфаатлари низо билан боғлиқ бўлган шахслар низони ҳал қилиш ва унга қарор қабул қилишда иштирок этмасликлари керак.
25. Акциядорлар ўртасида, Жамият бошқарув органи билан акциядорлар ўртасидаги низоларни тартибга солиш учун:
- мустақил кузатув кенгаши аъзоси акциядорлар ўртасида юзага келган низони ҳал қилишда воситачи сифатида иштирок этиши мумкин;
  - Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок этиши, уларга низога оид маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиши, қонунчилик, устав ва ички ҳужжатлар нормаларини тушунтириши мумкин;
  - Жамиятнинг ваколатли органи ёки шахслари акциядорларга маслаҳат ва тавсиялар беришлари, низони ҳал этиш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашлари ва Жамият номидан ваколат доирасида мажбуриятларни олишлари мумкин;
  - Жамият бошқарув органи ўз ваколати доирасида корпоратив низони ҳал этиш бўйича қарорларни амалга оширишни ташкил этишлари ва Жамият номидан иштирокчи билан имзоланган келишувларни бажаришда кўмаклашишлари шарт. Агар томонлар ўртасида низо моҳияти бўйича бўлмаса, фақат бажариш тартиби, усули, муддати бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлса, Жамият акциядорга ушбу келишмовчиликни ҳал этишни ва ўз таклифини тақдим этиши шарт;
  - Агар Жамиятнинг акциядор талабини қондириш розилиги қонунчилик, Устав ёки бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган ҳаракатларни амалга оширишни талаб этса, жавобда ушбу шартлар ва уларни бажариш учун зарур ахборот (масалан, ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш учун тўлов миқдори ёки Жамият банк реквизитлари ва ҳ.к.) тўлиқ кўрсатилиши керак.
26. Ушбу чоралар рўйхати тўлиқ эмас. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган соҳадан келиб чиқиб, ҳар бир алоҳида ҳолатда бошқа шаклдаги тартибга солиш чоралари амалга оширилиши мумкин.

## **VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

27. Ушбу Низом, унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан оддий овозлар кўпчилиги билан тасдиқланади.
28. Агар ушбу Низомнинг айрим нормалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Уставига зид келса, бу моддалар кучини йўқотади ва ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки Жамият Устави нормаларига мувофиқ ҳаракат қилинди.